

Аштархонийлар Жўжихон наслидан бўлиб, ХИВ асрнинг 80-йилларидан бошлаб Аштархон (Хожи Тархон, Астрахан) ва унинг атрофидаги ерлар ва халклар устидан ҳукмронлик қилган. 1556- йилда Астраханни Русия босиб олгач, аштархонийлардан Ёрмухаммадхон оила аъзолари ва кариндош-уруғи билан Бухорога келади. Уларни Бухоро хони Искандархон (Абдуллахон ИИ нинг отаси) иззат-икром билан кутиб олади. Искандархон кизи Зухрабегимни Ёрмухаммадхоннинг ўғли Жонибек Султонга беради. Жонибек Султон Зухрабегимдан уч ўғил; (Динмухаммад, Боки Муҳаммад, Вали Муҳаммад) кўради. Жонибек Султон ва унинг ўғиллари Бухоро хонлигида юксак мавкега эришиб, Бухоро хонлиги вилоятларида ҳоким вазифасида фаолият юритадилар. 1601- йилда Жонибек Султоннинг ўғли Боки Муҳаммад Бухоро ; тахтига ўтказилди. Бухоро хонлиги тарихида янги сулола - аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланиб, 175 йил давомида мамлакат шу сулола томонидан бошқарилади.

Бошқарув ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш

Боки Муҳаммад (1601 - 1605) мамлакат сарҳадлари жипслигини мустаҳкамлаш, бошқарув тизимини изга солиш учун кўп уринди. 1602- йилда Эрон сафавийларига зарба бериб, Балхни қуч билан бўйсундирди ва укаси Вали Муҳаммадни ҳоким этиб тайинлади. 1603- йилда Эрон сафавийларининг Балхга ҳужум қилган кўшинларини мағлубиятга учратди. Боки Муҳаммад Тошкент учун козок султонларига қарши курашди 1604- йилда козок хони Келимухаммад кўшинларини мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариб, қатор ҳудудларни Бухоро хонлигига бўйсундирди.

1605- йилда Боки Муҳаммад вафот этгач, унинг укаси Вали Муҳаммад тахтга ўтказилди. Ички кураш яна авж олди. Кабилаи беклари хон ҳокимиятига бўйсунмай муҳолифатчиликни қучайтирдилар. Бухоролик амирлар хонга қарши исён уюштирганлигидан хабар топган Вали Муҳаммад фарзандларини олиб Эронга қочади. Амирлар тахтга Боки Муҳаммадхоннинг ўғли Имомқулихонни (1611-1642) ўтказдилар. У Вали Муҳаммад бошлаб келган Эрон кўшинларини тор-мор қилтириб, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолди. Вали Муҳаммад асир олиниб қатл этилди.

Имомқулихон Тошкент ва хонликнинг шимоли-шарқий чегаралари учун козоклар, жунгар (айрат) лар, қалмоқлар, қорақалпоқларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди.

1613- йилда Тошкент ерларини эгаллаган козокларга ҳужум қилиб, Тошкентни ўз тасарруфига қиритди. ўғли Искандар Султонни Тошкент ҳокими этиб тайинлади.

Искандар Султон аҳолига бож, хирож ва бошқа солиқларни қўпайтириб, қаттиқ зулм ўтказди. Бунга қарши Тошкентда кўзғолон қўтарилди ва Искандар Султон ўлдирилди. Бу воқеадан хабар топган Имомқулихон Тошкент устига қўшин тортди. Кўзғолончилар аёвсиз жазоланди, Искандар хуни учун аҳоли қиргин қилинди.

Имомқулихон даврида марказий давлат ҳокимияти нисбатан мустаҳкамланди.

Имомқулихондан кейин тахтни эгаллаган Нодир Муҳаммад (1642-1645) даврида ижтимоий-сиёсий тарқоқлик яна қучайди. Хоннинг ўзи мамлакатнинг асосий вилоятларини мулк қилиб 12 нафар ўғли, 2 нафар жияни ва набирасига тақсимлаб берди. Бу оқибатда давлатчилик асосларини заифлаштирди. 1645- йилда козоклар яна Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Хўжандгача етиб келадилар. Нодир Муҳаммад уларни

кувиб чикариш учун ўгли Абдулазиз бошчилигида катта кўшинни сафарбар этади. Хондан норози бўлган бир гуруҳ амирлар юриш даврида Абдулазизни хон деб эълон қиладилар. Абдулазиз Бухорога келади, аслзодалар уни тахтга ўтказадилар. Нодир Муҳаммад Балхга кочиб кетади ва тож-у тахтни кайтариб олиш мақсадида Хиндистон подшохи темурийзода Шох Жаҳондан ёрдам сўрайди. Шох Жаҳон Балх вилоятини ўзига бўйсундириш мақсадида у ерга ўгиллари Муродбахш ва Аврангзеб бошчилигида катта кўшин юборади. Нодир Муҳаммад Шох Жаҳон ўгиллари ёрдамга эмас, Балх вилоятини эгаллаш учун келаётганини билгач, унга қарши чиқади. Маймана йўлида бўлган жангда Нодир Муҳаммад енгилиб, Эронга кочади ва шох Аббос хузурида паноҳ топади.

1647- йилда Шох Жаҳон ўгиллари Балхни эгаллайдилар. Нодир Муҳаммад шох Аббос ёрдамида Балхни қайта эгаллайди. Бу воқеалардан ташвишга тушган Абдулазизхон укаси Субҳонкули етакчилигида Балхга катта кўшин юборади ва 1651 йилда Субҳонкули Балхни эгаллайди ва у Балх ҳокими этиб тайинланади. Нодир Муҳаммад Маккага хажга бораётиб йўлда вафот этади.

Абдулазизхон даврида (1645- 1681) Хива хонларининг талончилик юришлари қучаяди. 1655- йилда Хива хони Абдулғозихон катта кўшин билан юриш қилиб, Бухоро атрофларини икки бор талон-тарож қилади. Қоракў аҳолисининг бир қисмини асир олиб, Қарманани вайронага айлантиради. 1658- йилда Вардонзени талаб, 1662- йилда Бухоро шахригача етиб боради.

Тинимсиз урушлар, ички зиддиятлар Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини мураккаблаштириб юборганди, сиёсий вазият издан чиққанди. Кексайиб қолган Абдулазизхон 1680- йилда тахтдан воз кечиб, Маккага хажга кетади ва у ерда вафот этади.

Абдулазизхондан кейин тахтга ўтирган Субҳонкулихон (1681- 1702) даврида ҳам аҳвол ўнганмади. Субҳонкулихон, бир томондан, Балх вилоятларида ҳокимлик қиладиган ўгилларига қарши, иккинчи томондан, Мовароуннахр вилоятларидаги амир ва бекларга қарши урушлар қилишга мажбур бўлди. Учинчи томондан, Хива хони Анушахон кўшинлари хужум қилиб, Бухоро, Қармана ва Вардонзени эгаллади, ҳатто Самарқандни ҳам ишғол қилди. Самарқандда Анушахон номига хутба ўқитилиб, унинг номидан танга пуллар зарб этилади.

Субҳонкулихон катагон уругидан бўлмиш Бадахшон ҳокими Маҳмудбий оталик ёрдамида Хива кўшинларини Самарқанддан қувиб чикаришга эришди. Самарқандликлар қаттиқ жазоланди. Сўнгра Балхга юриш қилиб, исёнқор ўгли Сиддик Муҳаммадга зарба беради ва зиндонбанд қилиб, ўлдиради. Бажх ҳокимлиги юз қабиласининг сардори Муҳаммад хожи оталикка топширилади. Субҳонкулихон Бажхдалигидан фойдаланган Анушахон Бухоро атрофларига яна бостириб қелиб у ерларни талон-тарож қилади ва катта ўлжалар билан қайтиб кетади. Субҳонкулихон фитнаси билан 1686- йилда Хива хони Анушахон кўзига мил тортилади ва тахтдан туширилади. Субҳонкулихон 1688- йилда Хивадаги тарафдорлари хизматидан фойдаланиб, Хива хони Эренгхоннинг ўлдирилишига эришади ва Хоразм Бухоро хонлиги тасарруфига олинади. Субҳонкулихон Амир Шохниёзни Хивага ҳоким этиб тайинлайди.

Қиргинбарот урушлар, ички низолар мамлакат иқтисодиётини чуқур таназзулга туширади.

- 1601- йилда Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди.
- Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги Бухоро хонлигида 150 йилча давом этди.

